

Сийрат дарслари (149-дарс). Аллоҳим, биздан шайтонни четда қилгин!



17:05 / 13.08.2021 4894

550. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бирор кишини уйланган пайтида табрикласалар: **«Аллоҳ сенга муборак қилсин, барака берсин ва иккингиизнинг орангизни яхшилик билан жам қилсин»**, дер эдилар».

Абу Довуд, Термизий, Ибн Можа ва Ибн Ҳиббон ривоят қилишган.

551. Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Агар бирингиз ўз аҳлига яқинлик қилишни ирода қилган пайтида: «Бисмиллаҳи. Аллоҳим, биздан шайтонни четда қилгин, бизни ризқлантирган нарсангдан шайтонни четда қилгин», деса, агар ўшандан уларга фарзанд бериладиган бўлса, унга шайтон абадий зарар етказа олмайди», дедилар.

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

552. Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шиғордан қайтарганлар. Шиғор – ўз қизини бошқа бир кишига у ҳам бунга қизини бериши шарти билан (никоҳлаб) беришдир. Бунда иккови орасида маҳр бўлмайди».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан